

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Saidov Q.S., Botirov K.	Kapillar ho'llanadigan quyosh suvchuchitgichida issiqlik almashinvi jarayonlari.....	2
Mamatova N.H.	Tenglamalarni qutb koordinatalar sistemasiga o'tib yechish.....	5
Sayidova N.S., Kazimova G.X.	Grafik obyektlarda ranglar va qatlamlar (sloy) tushunchasi (coreldraw dasturida).....	9
Ismoilova M.N., Imomova Sh.M.	Vektorli to'lqin tenglamasiga qo'yilgan aralashmasalani parametrlri ayirmali sxema bilan sonli hisoblash.....	15
Nuriiddinov Ж.З.	Кечикувчи аргументли оддий дифференциал тенгламалар.....	18
Rahmonov A.A.	О свойствах определителя фредгольма, ассоциированного одним семейством операторных матриц.....	22
Умаров Б.Б., Абдурахмонов С.Ф., Худоярова Э.А., Сулаймонова З.А., Гайбуллаев Х.С., Парпиев Н.А.	Биядерные комплексы никеля (ii) с продуктом конденсации бензоилацетона и дигидразида субериновой кислоты.....	28
Norboeva У.Т., Xolliiev A.Э.	Fўза навлари фотосинтезининг соф маҳсулдорлигига шўрланышнинг таъсири.....	32
Қаршиева Д.Р.	Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	36
Rahmonov Р.Р., Raimov A.Р., Urakova M.А., Rahimov Ж.Р.	Fyrruk (обыкновенная горлица)нинг тарқалиши, биологияси ва аҳамияти.....	40
Nazarov С.М., Kurvontoev Р.Қ.	Buxoro voxasida tarqalgan tuproklar va ularning mechanik taribi.....	44
Doniyorov B.N.	Musicha (streptopelia senegalensis linnaeus)ning biologiyasi va ekologiyasiga doir ma'lumotlar (Buxoro viloyati misolida)	49

• TILSHUNOSLIK

Жўраева Б.М., Аҳмедова Р.А.	«От» ЛМГ асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари услубияти.....	53
Ражабов Д.З., Сариев С.М., Курбанова С.Б.	Эпические традиции и культурные контакты народов мира(на основе героических эпосов тюрко-язычных народов).....	57
Ruzmetova З.Н., Palanova О.И., Artikova Г.Ш.	Междометия как средство выражения модальных значений.....	61
Сайдова Г.Б.	Туркий ёзма манжаларда келтирилган ağıd ва ağıř сўзларининг семантикаси.....	66
Касимова Р.Р.	Ўзбек никоҳ тўйи этнографизмларининг инглиз тилидаги ўйрмалари.....	71
Юсупова О.С.	Эгасиз гапларнинг услубий хусусиятлари.....	76
Салохиддина 3.O.	Поэтические инновации в идиолекте иннокентия анненского.....	82
Жалилова Л.Ж.	Языковые особенности американской сатирической прозы начала xx века.....	88
Baxronova D.K.	Ispan tilida perro (it) va gato (mushuk) zoomorfizmlarining etnospesifik xususiyatlari.....	92

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А.	Навоий насли нафосати	97
Аҳмедова Ш.Н.	Халқ ардоғидаги шоира (Зулфия шунослик саҳифаларидан.....	101
Расулов З.И., Пултова М.Т.	Кристофер Марлонинг “Буюк темурланг” (“Tamburlaine the great”) асари асосини ташкил этган шахс зиддиятлари.107	
Мажитова С.Ж.	Жомий ғазапларида “дил”нинг мажозий маънолари.....	112

Қаршибаева У.Д.	Ғарбий европа адабиётида романтизмнинг шаклланиш тамойиллари.....	115
Botirova A.E.	Xalq og'zaki ijodi – oltin meros.....	120

• NAVOIY GULSHANI

Амонова З.Қ.	Инсоний муҳаббат – ҳақиқий ишқа кўпrik демак.....	123
--------------	---	-----

• IQTISODIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р.	Буюк давлат тушунчаси ва Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлиш имкониятлари.....	125
Илхомова Ё.С., Шокиров С.И.	Инвестиция қонунчилигининг такомиллашуви - иқтисодий барқарорликнинг гарови.....	130

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж.	Қори Йўлдош Пўлатов - маориф жонкуяри, матбаачи, ҳукумат арбоби ва миллий истиқбол курашчиси.....	134
Қандаҳаров А.Ҳ.	Кармана ва унинг Бухоро ҳонлиги тарихидаги ўрни.....	138
Хўжамуратов У.Р.	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигига фермерлик ҳаракатининг ўрни..143	

• FALSAFA VA HUQUQ

Raupov C.C.	Парламент назоратининг конституцияий мақоми.....	148
Намозов Б.Б.	Хожа Муҳаммад Порсонинг “Кашф” хусусидаги гносеологик қарашлари.....	152

• SAN'ATSHUNOSLIK

Бадиев М.М., Жўраева Г.Н.	Мавлоно Шариф мажмуаси.....	157
---------------------------	-----------------------------	-----

• PEDAGOGIKA

Мирзаев Ш.М., Болтаев Т.Б., Қобилов Б.Б.	Модул технологияси – таълим жараёнига тизимли ёндашув.....	160
Турсунметов К.А., Махсудов В.Г., Шералиев С.С.	Тебранма ҳаракат бўлимини интеграцион технологиялар асосида ўқитиш.....	164
Арипова X.А.	Языковая игра как методическая форма развития творческой активности учащихся..171	
Ungarow B.N., Eshpo'latov B.X.	Boshlang'ich sınıf o'quvchilarini vatanga muhabbat ruhidatarbiyalashda ommaviy axborot vositalari materiallارidan foydalанish (matematika darslari misolida).....	175
Атауллаева С. Ж.	Аббревиация как репрезентант активности деривационных процессов в русском словообразовании.....	180
Зиядуллаев Д.Ш., Зиёдуллаева Г.Э.	Очиқ жаҳон ахборот ресурслари ва хорижий журналларда мақола чоп этиш усуслари.....	183
Жўраев Ж.Р.	Ёшлар ва ижтимоий муносабатларга оид социологик тадқиқот таҳлили.....	186

• MUNOSABAT

Расулов З.И.	Многоуровневость языковых явлений в системной интерпретации.....	192
--------------	--	-----

• QUTLOV

"Eng faol yosh olim"	tanloving respublika bosqichi	194
Талабалар фан олимпиадаси республика босқичи	голиблари.....	195

• E'LON

“Бухоро давлат университети илмий ахбороти”	журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	196
---	---	-----

язык некоторые из этих слов принял, они ему необходимы, без них подчас невозможно обойтись. Одной из основных причин их развития является то, что аббревиатуры - эффективное средство экономии речевых средств. Однако увеличение числа аббревиатур в последнее время, на наш взгляд, говорит о том, что примитивный язык становится, к сожалению, стилем общения. Однако аббревиатуры при уместном и правильном использовании позволяют оптимизировать речевое общение, сокращая усилия говорящего или пишущего. Большая их часть прочно входит в русский язык. В то же время неумеренное и непродуманное использование аббревиатур может привести к непониманию высказывания, обнаружить отсутствие языкового вкуса, вызвать нежелательную реакцию читателя или слушателя [7].

ЛИТЕРАТУРА

1. Елисеева О.А. Особенности номинации аббревиатур в общественно-политическом тексте. <http://study-english.info/article038.php>
2. Новичков Н. Словарь современных русских сокращений и аббревиатур. - Париж - Москва: Инфоглоб, Тривола, 1995. – 304 с.
3. Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – М., 1974. – С. 20-36.
4. Розенталь Д.Э. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М., 1977.
5. Список наиболее употребительных аббревиатур, встречающихся в научно-технической литературе по электронике. - <http://ru.wikipedia.org/wiki>
6. Фадеев С. Тематический словарь сокращений современного русского языка. – М.: Руско, 1998. – 538 с.
7. Электронный энциклопедический словарь. - <http://lib.deport.ru/slovar/bes/a/abbreviatura.html>.

ОЧИҚ ЖАҲОН АҲБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ЖУРНАЛЛАРДА МАҶОЛА ЧОП ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Зиядуллаев Даврон Шамсиевич

ТДГУ Информатика ўқитиши методикаси кафедраси доцент в.б., т.ф.н

Зиёдуллаева Гулчирой Эркиновна

ТАТУ Кутубхона ва аҳборот тизими кафедра ўқитувчиси

Таянч сўзлар: Open Source, OpenDOAR, контент, очиқ жаҳон аҳборот ресурси, Doaj, Doab, Base Search, Dissercat.com.

Ключевые слова: открытое программное обеспечение, политика открытых дверей, контент, открытый мировой информационный ресурс, Doaj, Doab, основной поиск, Dissercat. com.

Key words: Open Source, OpenDOAR, a content, open world information resource, Doaj, Doab, Base Search, Dissercat.com.

Маҷолада интернет сайтларининг очиқ ресурслари, унинг имкониятлари, йўналишлари ва хорижий журналларда илмий маҷола чоп этиши масалалари ёритилган.

В данной статье рассмотрены направления и возможности использования открытых ресурсов интернет-сайтов для публикации научных статей в зарубежных журналах.

The article deals with the Open Resources of Internet sites, the opportunities they offer, directions and the problems of publishing scientific articles in the journals abroad.

Бутун дунёда таълим соҳасида ва таълим беришда кун сайин янги техника ва технологиялар ривожланиши билан бирга янги-янги ресурслар яратилиб, фойдаланувчига тақдим этилмоқда. Ҳар бир фойдаланувчи учун интернетда бепул ва очиқ бой коллекциялар яратилган. Булардан оқилона фойдаланиш эса ҳар бир инсоннинг илмий ва ақлий тафаккури билан боғлик.

Интернет деймиз-у, лекин ундаги маълумотлар юз фоиз тўғрилигига ким кафолат беради? Айнан илмий тадқиқотлар, илмий изланишлар олиб боришда эса бевосита турли манбаларга мурожаат қилинади. Янги илм қиррасини очиш, умуман, фанда янгилик жорий этишда аниқ манбаларга таяниш яхлит натижка беради. Ёш илмий изланувчиларни лицензион ресурслардан фойдаланишга йўналтириш, яъни кафолатга эга ресурслардан фойдаланиш

ҳамда илмий тадқиқот талабларидан бири хорижий журналларда мақола чоп этиш масалалари муҳим ва долзарбdir.

Кўпчилик бу борада муаммога дуч келади. Очиқ ресурслар эса бу муаммонинг ечими ҳисобланади. Бундай очиқ ресурслардан фойдаланишини ва унинг имкониятларини ҳамма ҳам тўла билавермайди. Республикада бу борада олиб борилаётган ишлар, яъни ресурс яратувчи нашриёт вакилларининг ташрифлари ва уларнинг янги-янги ресурслари ҳақидаги семинарлар бесамар кетмаслиги учун ҳам мақола долзарб саналади. Муаммо шуки, бефарқлик натижасида тақдим этилган ресурслар фойдаланилмай қолишидадир.

Очиқ ресурс (OpenSource) деб аталувчи хизмат жаҳон ахборот жамиятида таълим ривожланишининг асосий манбаи сифатида тан олинади ва замонавий хизматлар кўрсатади. «Очиқ ресурс» дейилишига сабаб, уларнинг илм-фанни ривожлантиришга ва бепул фойдаланиш имкониятига эгалигидадир. Бу ресурслар ўзининг қиммати ва илмий даражасига эга бўлиб, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ривожланётган мамлакатларга бепул фойдаланиш учун тақдим этилган. Очиқ ресурслар катта имкониятларга эга бўлиб, фойдаланувчига турли илмий, таълимий, сифатли ресурслардан фойдаланишини тақдим этувчи йирик нашриётлар фаолиятидир.


Жаҳон тажрибасида бундай ресурслардан фаол равишда фойдаланаётганларга бевосита интернет хабарлари орқали, мутахассислар томонидан ташкил этилаётган халқаро конференциялар орқали ҳам шоҳид бўляпмиз. Бунда ресурслар билан танишиш, илмий журналлардан мақолаларни ўқиш ва кўчириб олиш имкони, шу билан бир қаторда барча илмий изланувчилар учун зарур бўлган илмий мақолаларни чоп этиш масалаларининг ҳам ўз ечими бор.

Очиқ жаҳон ахборот ресурсларига OpenDoar, Doaj, Doab, BaseSearch, Dissercat. Com ва бошқалар киради. Ушбу ресурслар ўз йўналишларига эга, яъни Doaj - илмий журналлардан очиқ фойдаланиш учун, Doab - китоблардан очиқ фойдаланиш, Dissercat. Com илмий фаолият олиб борувчилар учун диссертациялар фонди ҳисобланади.

Қўйида очиқ ресурслардан бири билан тўлиқ танишиш ва мақола чоп этиш усуллари ҳақида ёритмоқчимиз. Зоро, бу сизга илм йўлида амалий қўмак берсин.

OpenDoar очиқ ресурси. OpenDoar хизмати OpenDoar персонал маҳсулотларидан бутун дунё бўйича кафолатланган сифатли фонд рўйхатидан очиқ фойдаланиш имконини яратувчи тизимдир. Хизмат маҳсулотлари жуда хилма-хил ва бой бўлиб, қўйидаги соҳалар бўйича ресурслар йиғилган: қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат фани, санъат ва архитектура, биология ва ҳаёт ҳақидаги фан, тадбиркорлик ва иқтисодиёт, кимё, ер ва табиат ҳақидаги фан, методология ва тиббиёт фани, тарих ва археология, тил ва адабиёт, қонун ва сиёсатшунослик, математика ва статистика, фалсафа ва дин, физика ва астрономия, умумий фанлар, ижтимоий фанлар, технология ва инженеринг ва бошқалар.

OpenDoar хизмати таркибидаги ресурсларнинг харакат фаолияти структураси (1-расм).



1-расм. Хизмат фаолият структураси

Бу структурадан кўриниб турибдики, очиқ ресурслар жамғарилган фонд орқали фойдаланувчига етказиб берилади.

Бизни илмий изланувчи сифатида қизиқтирган масала бу хорижий илмий журналларда мақолани чоп этиш усуллари саналади. Бу борада айнан мана шу хизмат таркибида мақола чоп этиш талаблари ўрганилди. Бу очиқ ресурслар сайтига хоҳлаган интернет тармоғидан кириш имкони бор. Яна шундай қулайликки, мобиль алоқа хизмати орқали уланиш ҳамда турли тил интерфейслари шакллантирилган [2].

Opendoar хизматининг сайти: OpenDoar.org. Интернетнинг қидирув майдонигасайт киритилади ва саҳифага интерфейс юкландади*

Интерфейснинг қидирув майдонига «как опубликовать научную статью» иборасини киритиш орқали илмий журналларда мақола чоп этиш талаблари ҳақида батафсил маълумотга эга бўламиз*

Мақола чоп этиш талаблари:

Муаллиф ўзини қизиқтирган журналда илмий материаллар чоп қилиш учун маҳсус талабнома тўлдиради. Талабнома, албатта, илмий мақола ва муаллиф ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Талабнома намунасини сайтдан кўчириб олиш мумкин. Мақола кўрсатилган расмийлаштириш талабларига қатъий мувофиқ келиши шарт. Юборилган талабнома муаллиф ва масъул таҳрир ҳайъати ўртасида тузилган шартнома орқали амалга оширилади. Илмий материални чоп қилишга юборилган талабнома муаллифнинг розилиги билан шу шартнома қоидалари асосида тасдиқланади.

Нашр учун материал электрон почта орқали масъул муҳаррирга ёки таҳрир ҳайъати сайтига юборилади.

Юборилаётган материал учун электрон почта манзили, нашрнинг чиқиш вақти ва муаллиф нусхаси графаси, нашр учун тўловлар нашр саҳифасида келтирилган бўлади. Таҳрир ҳайъати келиб тушган материалга талаблар бўйича тезда ишлов беради.

Муаллифдан олинган талабнома 2-3 иш куни ичida кўриб чиқилади. Журналнинг таҳрир ҳайъати ўзи тақризларни амалга оширади ва ташки тақриз ҳисобга олинмайди. Агар материал чоп этишга қабул қилинса, реквизитлари тўлдирилган тўлов қофози билан муаллифга юборилади. Почта бўлимидан ёки банк орқали мақола нашри учун тўлов амалга оширилса, нашриёт нашрга тайёрлайди.

Муаллиф ўқиётган ёки ишлаётган ташкилотдан тўлов ўтказилиши ҳам мумкин. Айрим нашриётлар тўлов қофози нусхасини ҳам талаб қилиши мумкин. Шунинг учун муаллифлик нусхаси олгунга қадар тўлов нусхаси сақланиши керак бўлади.

Муаллифлик нусхасини юборишда фақат рўйхатга олинган почта орқали ишонч ёрлиғи билан ёки муассаса вакилининг имзоси остида юборилади.


Буюртма қилинган журнал муаллифга етиб бормаса, қайта яна юбориш учун қўшимча тўлов нашриёт томонидан белгиланади. Нашриётда муаллифлик нусхаси олти ойгача сақланади.

Сайтдаги ҳаволалар синчиклаб ўрганилганда очиқ ресурс таркибидаги фаолият олиб бораётган илмий журналлар рўйхати ҳам келтирилганлигига гувоҳ бўласиз. Бу рўйхат нашриёт томонидан сайтга қўйилган бўлиб, ҳар бир журналнинг бош муқоваси келтирилиб, журнал ҳақида қисқача тавсиф ва журналга қайси соҳада материал қабул қилиниши ҳамда соҳалар рўйхати келтирилган.

Албатта, мақолани чоп этиш пуллик хизмат ҳисобланади. Бу баҳо нашриётлар томонидан белгиланиб, сайтга киритиб қўйилган. Шу қатори яна бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Мақола фақат инглиз тилида чоп этилади. Мақола тузилмаси ҳам катта аҳамият касб этади [1].

Масалан: мақола номи, муаллифлар рўйхати, мақола реферати, калит сўзлар, кириш сўзи, материал тавсифи ва ишнинг усуллари, натижалар, мухокама, хулоса, яъни ишнинг масалалари ва мақсадига мўлжалланган қисмлари, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади. Мантиқан фикрлар бир-бирига боғланиши ҳам мақоланинг савиясига таъсир этади.

Хозирда жаҳонда илмий изланувчилар ахборот ресурсларидан нафақат очиқ фойдаланиш, балки халқаро илмий ва рейтинг (impact-factor)и баланд журналларда ўз мақолаларини, илмий ишларини чоп этиб шахсий ресурсларини фойдаланувчига очиқ фойдаланишга тақдим этмоқда.



Бундай фаолият республикамиз илмий изланиувчиларини ҳам қизиқтириши табиий. Мақола чоп этиш учун аввал хорижий журналларни ўқишимиз ва тажриба орттиришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай имкониятлар барчаси республикамиз миқёсида тўла шакллантирилган десак, хато бўлмайди.

<http://www.opendoar.org/search.php>
<http://www.gramota.net/publication.html>

АДАБИЁТЛАР

1. Кириллова О. В. Как опубликовать статью в зарубежном рейтинговом журнале. - <http://www.elsevierscience.ru/files/tomsk2012/7-World-class-publication-April2012.pdf>.
2. Быкова М. Как опубликовать научную статью в зарубежном журнале: Мастер-класс. - <http://iph.ras.ru/page13795185.htm>
3. Умаров А.О., Рахматуллаев М.А., Каримов У.Ф. Чет эл электрон илмий-таълимий ресурслари Ўзбекистонда //Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси - Технология создания и использования научно-образовательной информации в сети электронных библиотек. Тўплам. – Т.: Алишер Навоий, 2010. – Б. 4-5.

ЁШЛАР ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ

Жўраев Жамshed Раҳматиллоевич
БухДУ Психология кафедраси ўқитувчи

Таянч сўзлар: талаба ёшлар, ижтимоий муносабатлар, ахлоқ, қадриятлар, ижтимоий фаоллик, оила, маданият, маънавият, шахс, тарбия.

Ключевые слова: студенты, социальные отношения, мораль, ценности, социальная активность, семья, культура, духовность, личность, воспитание.

Key words: student, youth, social relations, morals, values, social activity, family, culture, spirituality, person, upbringing.

Мақолада олий таълим муассасасида ёшлар ва ижтимоий муносабатларга оид социологик тадқиқот таҳлиллари интерпритация қилинган.

В статье интерпретирован анализ социологического исследования о социальных отношениях молодежи в высших учебных заведениях.

The analyses of social research on the youth and social relations at higher educational institutions are interpreted in the article.